

# Қайта ишланган материаллардан полиэфирсульфон ишлаб чиқарилди

// 11.03.2025

<https://www.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/qayta-ishlangan-materiallardan-poliefirsulfon-ishlab-chiqari>



Германиянинг BASF кимёвий концерни қайта ишланган материаллардан тайёрланган полиэфирсулфонни тақдим этди.

Компания хабарига кўра, янги термопластик ўзининг аналоглари билан бир хил хусусиятларга яъни, унумдор ва машина ёрдамида ишлов беришга яроқли.

Полиэфирсулфон (ПЭС) юқори термал, электр ва механик хусусиятларга эга бўлган аморф полимердир. PES автомобил саноатида эрувчан ҳимоялагичлар (предохранител), мембраналар ишлаб чиқариш учун фойдаланилади ва электроникада улар интеграл микросхемалар учун ҳимоя товоқлари ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Улардан шунингдек, ёпишмайдиган ошхона идишлари ва тиббий асбобларни, шунингдек, кўп фойдаланиладиган идишлар ишлаб чиқариш мумкин.

BASF вакилларининг таъкидлашича, янги ишлаб чиқаришда полиэфирсулфон ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қазиб олинadиган хом ашёнинг 50% биоциркуляцион хом ашё билан алмаштирилади.

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**